

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ

ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУСРАТОВА ҲАМИДА ЧЎЛИБОЕВНА

САФАР БАРНОЕВНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2017

УДК: 891.709

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Нусратова Ҳамида Чўлибоевна</b> Сафар Барноевнинг бадий маҳорати.....	3
<b>Нусратовой Хамиды Чулибоевны</b> Художественное мастерство Сафара Барнаева.....	21
<b>Nusratova Hamida Chuliboevna</b> Literary skills of Safar Barnoev.....	40
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of publications .....	43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУСРАТОВА ҲАМИДА ЧЎЛИБОЕВНА**

**САФАР БАРНОЕВНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти  
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

**Самарқанд-2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Fil 21 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ахмедова Шоира Нематовна  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Дамин Тўраев  
филология фанлари доктори, профессор

**Раҳматулла Баракаев**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи илмий муассаса:** Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони.15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (----рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони,15. Тел.: (8366) 239-11-40 , 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

**Ж.Д.Элтазаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Ж.Ҳамроев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида болалар адабиёти муаммоларини, болалар учун яратилган бадиий асарларда акс этган умуминсоний ва миллий қадриятларни, замон, макон ва болалик муносабатларини тизимли тадқиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Зеро, ёш авлоднинг нафосати ва бадиий дидини ўстириш, ҳаққонийлик ва бадиийликнинг мукамал бирлигини таъминлаш, юксак маърифий-эстетик ғояларни илгари суриш борасида болалар адабиётининг олдида турган вазифалар кўлами “катталар адабиёти”никидан асло кам эмас.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг кўп асрлик тарихий, маданий, диний, адабий меросини умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолаш тенденцияси шаклланди, миллий қадриятларга муносабат тубдан ўзгарди. Бу жараённинг мантиқий якуни ўлароқ бадиий тафаккур ва талқинлар янгиланди, болалар адабиётининг мазмун-моҳияти кенгайди, кўлами ошди. Шу билан бирга болалар адабиёти бўйича яратилаётган асарлар олдида, ёш авлод учун ижод қилувчи сўз санъаткорларининг изланишлари ва бадиий маҳорати олдида қўйилаётган талаблар ошди. “..Болалар адабиёти ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган бадиий, маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратишга бевосита хизмат қилади.. унинг аҳамияти ушбу хусусиятлар билан ўлчанади”<sup>1</sup>. Бу вазифаларни амалга ошириш миллий болалар адабиётини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш ҳамда болалар адибларининг ижодини монографик тарзда ўрганиш, уларнинг мукамал ижодий портретларини яратиш билан бевосита боғлиқ.

Жаҳон адабиётшунослигидаги бадиий ижод ва маҳоратнинг узвийлиги, ёзувчи маҳоратининг бадиий асарда воқеланиши асослари, болалар адабиётининг ўзига хос тил, шакл ва тасвирий воситалари ҳақидаги замонавий илмий-назарий ёндашувлар асосида ўзбек болалар адабиётининг йирик намояндаси С.Барноевнинг ижодий меросини монографик тарзда ўрганиш, адибнинг болаларга бағишланган шеърӣ, насрий ва публицистик асарларидаги бетакрор фазилатлар ҳамда адибнинг бадиий маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардандир. Зотан, адабиётшуносликда болалар адабиётининг тараққиёти ва бугунги глобализация асрида унинг миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи жиҳатлари хусусида муайян ижодкор ҳаёти ҳамда ижоди мисолида тадқиқот олиб бориш ўрганилаётган мавзунинг заруратини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017 йил, 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги» ПҚ-1271-сон Фармойиши, 2017 йил, 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-1271-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тизимни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек болалар адабиётининг етакчи вакиллари билан бири С.Барноев ижодини ўрганиш ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланди. Таъкидлаш керакки, адиб ижодидан намуналар боғча учун тузилган тўпламлардан, бошланғич мактаб, академик лицей, коллежлар ва олий ўқув юртинининг ўқув дастурлари, ўқиш китоблари ва дарсликларидан ўрин олган бўлса-да, ҳозиргача шоирнинг ижоди монографик тарзда махсус ўрганилмаган. С.Барноевнинг шеърий, насрий асарлари анча пайтдан бери адабиётшунослик эътиборида бўлиб келди. Айниқса, О.Сафаров, С.Саидов, Х.Эгамов, Ш.Маҳмудов, С.Матжонов, С.Ирисхўжаева, С.Воҳидов ва С.Салимовларнинг тақризларида унинг дастлабки асарларига баҳо берилган<sup>1</sup>. Б.Назаров эса шоирнинг “Чехралар” шеърий тўплами ҳақида илиқ фикрлар билдирган<sup>2</sup>. С.Мамажонов, П.Шермухаммедов, Н.Раҳимжонов, У.Норматов, С.Матчонов, С.Ирисхўжаева, Т.Адашбоев, Х.Эгамов, Д.Ражабов, К.Турдиева<sup>3</sup> каби олимларнинг илмий кузатишларида адиб ижодининг маълум бир қирраси таҳлил этилган. Мустақиллик йилларида болалар адабиёти, шеърияти

<sup>1</sup>Сафаров О., Саидов С. Болалар қувончи // Ўзбекистон маданияти, 1971, 12 ноябрь; Эгамов Х. Ранг-баранг олам. Т.: 1979, 43-б.; Маҳмудов Ш. Масъулият ҳисси // Ўзбекистон маданияти, 1974, 11 июнь; Ирисхўжаева С. Изланишлар йўлида // Ўзбекистон маданияти. 1977, 6 сентябрь; Матчонов С. Шоир самимияти // Ёш ленинчи. 1978, 15 август; Воҳидов С., Салимов С. Уфққа интилган қалб // Ўзбекистон маданияти. 1975, 12 декабрь; Матчонов С. Ёзувчининг зарур гапи бўлса... // Ўзбекистон маданияти, 1980, 4 январь; Қиличев Н. Умидбахш табассум // Бухоро ҳақиқати, 1972, 12 декабрь.

<sup>2</sup>Назаров Б. Қорачиққа синган чехралар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 17 август.

таҳлиliga бағишланган қатор тадқиқотлар юзага келган бўлса-да<sup>1</sup>, ҳозиргача адиб ижодига бағишланган монографик тадқиқот мавжуд эмас<sup>2</sup>. Ушбу тадқиқот эса адиб С.Барноев ижодини илк бор махсус ўрганишга бағишланган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари саналган ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотда профессор У.Норматов таъбири билан айтганда “қўш қанотли иждокор” С.Барноев ижодига хос муҳим хусусиятлар умумлаштирилди. Шу асосда анъанавийлик, жанрий хилма-хиллик, фольклор услубида асарлар яратиш, бадиий маҳорат сингари жиҳатлар ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти намуналари контекстида алоҳида тадқиқ қилинди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ўзбек адабиёти кафедрасида олиб борилган Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври адабиётида Ғарб ва Шарқ адабий анъаналари синтези” (2012-2016 йй.) мавзудаги фундаментал давлат гранти лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** болалар адабиётининг назарий ва амалий масалаларини ёритиш, унинг тадрижий такомилени асослаш орқали Сафар Барноевнинг шеърӣ, насрий ва публицистик асарларида намоён бўлувчи бадиий маҳорати қирраларини тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

адибнинг серқирра иждодий фаолиятини комплекс тадқиқ этиш;

адиб ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат муаммоларини фольклорнинг таъсири, бошқа болалар адабиёти вакиллари ҳамда қардош халқлар иждокорлари анъаналарини иждодий ўзлаштириш йўналишида ёритиш;

---

<sup>3</sup> Сафаров О., Саидов С. Тоғлардаман // Бухоро ҳақиқати, 1971, 18 ноябрь; Матчонов С. Ўзига хос дунё // Шарқ юлдузи. 1983. № 9.– Б. 202-203; Норматов У. Етуклик. Т.: Фан, 1983, 120 б.; Мамажонов С. Тириклик суви. Т.: Ёш гвардия, 1986; Шермухаммедов П. Она сутидек покиза. Т.: Ёш гвардия, 197, 134 б.; Раҳимжонов Н. Шеър мангу олов // Ёш ленинчи, 1985, 22 март; Шу муаллиф: Чеҳралар соғинчи // Шарқ юлдузи, 1985, № 3. –Б. 17-20; Адашбоев Т. Оналарнинг тилаги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1989. 17 март; Турдиева К. Ҳозирги замон шеъриятида маънавий масаласи. Филол. фан. номз. дисс. Т.: 1994, -157 б; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари. Фил.фан.номз. дисс. – Т.: 1995, 160 б.

<sup>1</sup>Иброҳимова З. Қувноқликка яширинган изтироблар. Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005, 32 б.; Матжонов С. Икки эл ардоғида(Турсунбой Адашбоев портретига чизгилар). Т.: Мусиқа, 2009, 44 б.; Қаҳрамонов Қ. Болаликка ошuftа кўнгил (Қамбар Ота ижодига чизгилар). Т.: Турон замин зиё, 2014. - 40 б.; Қаҳрамонов Қ. Ватан мадҳи талқинлари. Т.: Турон замин зиё, 2014. - 32 б.; Адашбоев Т., Ражаб Д. Сатрлардан таралган меҳр. Т.: Турон замин зиё, 2017. - 40 б.

<sup>2</sup>Жаббор Д. Кичкинтойларнинг катта шоири // Мактабгача тарбия, 1995, № 1-2, –Б.14-16; Раҳимжонов Н. Ёруғлик шабадалари // Тошкент оқшоми, 1998, 6 май; Шу муаллиф: Қувноқ шеърлар // Туркистон, 1998, 25 апрель.

шоир шеърятининг мавзулар кўлами, унинг шеърый асарларидаги мавзу ва тасвир, болалик олами ва Ватан, табиат тасвири каби хусусиятларни белгилаш;

ижодкорнинг лирик ва эпик қаҳрамон яратиш ҳамда уларни индивидуаллаштириш борасидаги маҳоратини аниқлаш;

шоирнинг ўзбек балладачилигини ривожлантириш йўлидаги изланишларини ёритиш;

шоир эпик поэзиясига халқ эртаклари ва ривоятларининг таъсирини ўрганиш;

ёзувчи насрининг жанрий таркиби ва мундарижасини ойдинлаштириш ва унинг бу борадаги маҳоратига хос хусусиятларни ёритиш;

адибнинг публицистик асарларида замон ва болалик муносабатлари ифодасининг ижтимоий-эстетик моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида Сафар Барноевнинг шеърый, насрий ва публицистик асарлари танланди. Зарур ўринларда жаҳон болалар адабиёти ва халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** С.Барноев асарларитаҳлили ташкил этади. Шунингдек, адибнинг ижодий индивидуаллигини кўрсатиш мақсадида унга замондош болалар шоир ва носирларининг баъзи асарлари ҳам қиёсий таҳлилга жалб этилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, таснифлаш, аналитик ва қиёсий-типологик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

адибнинг болалар шоири, ёзувчиси ва публицисти сифатидаги ижодий йўлининг асосий қирралари ҳамда унинг поэтик, насрий ва публицистик асарлар яратишдаги бадиий маҳорати очиб берилган;

ижодкорнинг халқ оғзаки ижодиёти таъсирида яратган адабий эртак, дoston, баллада, масал, ҳикоя ва қиссалари қиёсий-типологик жиҳатдан асосланган;

адибнинг публицистик мақола, ҳикоя, эссе, бадиҳа, очерк каби жанрлардаги ижодида бадиийлик, ҳужжатлилик, психологик таҳлил, эмоционаллик, тарихий ёки адабий ассоциатив хусусиятни ёритиш каби характерли белгилар аниқланган;

ижодкорнинг халқона ифода усули, сюжет ва композиция, поэтик образ яратишдаги ўзига хос услуби, аниқлик, образлилик, тилнинг соддалиги, ҳажвга бойлик каби унсурлардан образларни индивидуаллаштиришда фойдаланиш маҳорати очиб берилган;

адиб асарлари кўп асрлик маънавий-миллий қадриятларимиз ҳамда миллий истиқлол ғоялари билан ҳамоҳанг руҳда яратилганлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

С.Барноевнинг ижодий йўли, асарларининг маъно-моҳияти ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек болалар адабиёти

тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши илмий ва амалий жиҳатдан асосланган;

С.Барноев асарларида ифодаланган ғоялар бугунги кун ўқувчисининг дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомилда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, аналитик таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалар ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари асосида чиқарилган назарий хулосалар ўзбек адабиётшунослигида болалар адабиёти, унинг вакиллари ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борилган мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. С.Барноевнинг шоир, носир, публицист сифатида болалар адабиётида тутган муҳим ўрни, маҳорати ҳақидаги қарашлар ўзбек болалар адабиёти тарихи, адабиёт назарияси фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яна шундан иборатки, ишнинг материали ҳамда умумлашма хулосаларидан ўзбек болалар адабиётининг тараққиёт хусусиятларини ўрганиш ва тарихини яратишда, олий ўқув юртлари, педагогика коллежлари учун шу фан бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, олий ўқув юртларининг филология, бошланғич ва мактабгача таълим факультетларида махсус курс, семинарлар ташкил этиш ҳамда маърузалар ўқишда манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сафар Барноевнинг серқирра ижодига хос поэтик хусусиятларни очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Истиқлол даври ўзбек болалар адабиёти такомилда С.Барноев ижодининг ўрни, анъанавийлик хусусияти, поэтикасини асослаш билан боғлиқ илмий хулосалар Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналарининг синтези» (2012 – 2016) фундаментал тадқиқот лойиҳасида татбиқ этилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил, 4 октябрдаги ФТА-0211/795-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек болалар адабиётининг тадқиқ этиш усул ва ёндашувларини такомиллаштиришга хизмат қилган, ёшларнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий тарбиясида С.Барноев каби моҳир ижодкорларнинг унумли фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга кўмаклашган.

Ўзбек болалар адабиёти шеърляти, насри ва публицистикасининг долзарб муаммоларини ҳал этиш хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканалидаги “Болалар адабиёти” телекўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг 2017 йил, 3 ноябрдаги 01-15/799-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши телекўрсатувлар сифати ошишига ва бадиий адабиёт, жумладан, болалар адабиётининг ёшлар ўртасида ташвиқотининг кучайишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши Бухоро давлат университети филология факультети ҳузуридаги илмий семинарнинг 2017 йил 26 августдаги 1-йиғилишида муҳокама қилиниб, тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, “Болажонлик саодати” (Сафар Барноев замондошлари хотирасида) китоби, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Сафар Барноев шеърларининг бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий ўзига хосликлари**” деб номланган бўлиб, у уч фаслдан иборат. Бобнинг “С.Барноевнинг ижод йўли” номли биринчи фаслида ижодкорнинг таржимаи ҳоли, адабиёт оламига кириб келиши, унга таъсир этган омиллар, яратган асарлари ҳақида фикр юритилган. Адиб ижоди тадрижи кузатилганда, унинг дастлаб болалар учун кичик-кичик шеърлар ёзганлиги ва жараён тўлишиб, воқеабанд манзумалар яратганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, шоирнинг “Тоғлардаман” биринчи шеърий тўплами илмий ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ қабул қилинган, у ўзбек болалар адабиётининг З.Диёр, С.Жўра, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла, Ҳ.Назир, М.Осим, Қ.Ҳикмат ва Пўлат Мўмин сингари вакиллари, шунингдек, жаҳон ва қардош халқлар болалар адабиётлари забардаст намояндалари ижодини қунт билан ўрганди, айниқса,

халқ оғзаки ижодига меҳр билан қараб, ундан баракали таъсир олгани, шу асосда ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётида юксак руҳий ва маънавий кучга эга қаҳрамонлар образини яратишга эришгани кўрсатиб берилган.

“Шоир шеърларининг мавзу кўлами ва бадиияти” деб аталган иккинчи фаслда С.Барноевнинг шеърият оламидаги ўзига хослиги, бадий маҳорати каби муаммолар ёритилган. Ўзбек болалар адабиётида уруш ва болалик мавзусига бадий муносабатни ифодаловчи асарлар, шартли равишда, икки гуруҳга бўлинган: 1) бевосита урушни кўрган ижодкорларнинг уруш мавзусидаги асарлари; 2) урушни кўрмаган, аммо уни болалик хотираси билан бадиият призмасидан ўтказиб тасвирлаш йўлидан борган ижодкорларнинг асарлари. С.Барноев асарлари иккинчи гуруҳга мансуб. Зотан, у урушга бормаган бўлса-да, болалиги ўша машаққатли ва оғир йилларда кечган. Унинг болалик хотирасида ўчмас из қолдирган уруш ва болалик мавзуси тадқиқига кенг ўрин берилганлигининг сабаби ҳам шунда. Энг аввало, шоир шеърларида хотира – урушга болалик муносабатлари кўзгуси сифатида намоён бўлиши, халқимиз ҳаётида бўлганидек, бадий адабиётда ҳам муҳим ижтимоий-эстетик қимматга молик уруш ва болалик муносабатлари бадий тадқиқига бағишланган шеърларда шоирнинг оддий баёнчилик қобиғида қолиб кетмаган, «Уруш болалари», «Учбурчак мактублар» сингари шеърлар уруш оловини ёқишга уринаётганларнинг кирдикорларини фош этишда, тинчликпарварликни ёқлашда айрича аҳамият касб этиши очиб берилган. “Уруш болалари” шеърида лирик қаҳрамон ўз қалбига буюк ният тугади. Бу – тинчликни асраш, авайлаш тилаги бўлиб, у шеърнинг бош ғоясини ташкил этади. Шеърнинг бадий жиҳатдан дилкашлиги, унда қўлланилган “жон”, “қон”, “заъфарон” каби қофиядош сўзлар, “чайир”, “чўнг” сингари контекстуал синонимлар, шеърнинг таъсирчанлигини таъминловчи “биз уруш болалари” сингари такрорлар оҳангдорликни ошириш билан бирга муҳим стилистик вазифани бажариб келган. Шунингдек, сўзлар такрори, *заъфарон*, *зангламоқ* метафоралари ҳам шоирнинг ғоявий ниятини очиш йўлида маълум поэтик вазифада қўлланилган, етти бўғиндан иборат мисралар ўзаро мазмун ва шакл жиҳатдан уйғунлашиб, уруш даври болаларининг ўзига хос образи яратилишига хизмат қилганлиги кўрсатилган. С.Барноевнинг уруш ва болалик мавзусидаги барча асарларида бу жараён ўзаро узвийликда, бири иккинчисини тўлдириб келувчи ижтимоий-эстетик мотив даражасида усталик билан ифодаланган.

Ватан ва табиатга муҳаббат мотивлари шоир шеъриятида муҳим ўрин эгаллайди. Ватан мавзусини юксак пардаларда куйлаш аслида барча миллатпарвар шоирларга хос муштарак хусусият. С.Барноев ҳам шу анъана давомчиси. Бу жиҳатдан “Ватан” шеъри алоҳида эътиборни тортади. Шоир Ватан тушунчаси моҳиятини аждоддан авлодга ўтувчи ўлмас мулк сифатида болаларга қуйидагича содда қилиб тушунтиради.

Ватан –

Ҳали туғилмаган эварам мулки,

Бобом ёди,

Момолар ёди...<sup>3</sup>.

Эркин вазнда ёзилган бу шеър чуқур маънога эга. Унда шу ватанда униб ўсган улуғлар номини такрорлаб, ўтганларни эсга олган шоир талмеҳ санъатидан фойдаланиб, ватаннинг поэтик тимсолини яратади. Шеърда халқ дostonлари қаҳрамонларига ишоралар воситасида болаларда шу улуғ сиймолар қалбига сингган ватан туйғусини қарор топтириш йўлидан борилгани, тарихга, ўтмишга назар солиш орқали ёш китобхонга ватанни севиш, уни асраш ғоясини миллий руҳга йўғирган ҳолда тасвирлаш маҳорати мисоллар асосида таҳлил қилинган. Шеър ўқувчининг ватанга муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилади. Шеър бадиияти, тузилиши, шакли жиҳатидан мукамаллик касб этади, таъсирчанлиги, мазмундорлиги билан шоирнинг ватан ҳақидаги энг яхши асарларидан бири бўлиб қолади.

Шоирнинг ватан табиатига ошуфталиги “Тоғлардаман” тўпламидаги шеърларида кўзга ташланган бўлса-да, бу ғоя кейинги шеърларида ҳам изчиллик билан ривожлантирилиб борилгани шоир услубига хос хусусият эканлиги, табиат тасвирларидаги шоир услубида кўпинча замондошларидан Т.Адашбоевнинг пейзаж лирикасига ҳамоҳанглик мавжуд. Табиат мавзусидаги шеърлари самимийлиги, жозибadorлиги, табиийлиги билан ўзбек болалар пейзаж лирикасининг ёрқин ва бетакрор саҳифаларини ташкил этиши ижодкорнинг ютуғи сифатида кўрсатилган. Мисол тариқасида бадиий жиҳатдан мукамал “Куз манзараси” шеъри таҳлил қилинган. Осмонни қора булут қоплаб, ёмғир ёғиши табиий ҳолат. Шоир ташхис санъатидан фойдаланиб, бу ҳолатни инсоннинг қовоғини солишига, ёмғир ёғишини эса осмоннинг йиғлашига ўхшатиб, антропоморфизм асосида инсонга хос хусусиятни табиат ҳодисасига кўчириб, гўзал жонли поэтик манзара яратган.

С.Барноев мустақиллик йилларида, айниқса, баракали ижод қилди. Унинг бу даврда ёзилган шеърлари, публицистик асарлари, хотира ва эсселари – барчасининг қон томири истиқлол фарзандлари – баркамол авлод дунёқарашини, маънавиятини бойитишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Бу жиҳатдан шоирнинг “Бобом ўғитлари” туркумига кирган шеърлар таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг учинчи фасли “Шоир шеъриятида маърифийлик ва юмордан фойдаланиш маҳорати”да С.Барноев шеърияти болалик оламининг қарийб ҳамма жабҳаларини қамраб олган. Шоир бола ҳаётини кузатаркан, ҳаётда учрайдиган воқеа-ҳодисалардан уларни руҳан бойитадиган мазмун-маъно топишга ҳаракат қилган. Маърифий ғоялар ифодаси таҳлил этилган “Онамга” шеъри болалар нутқида хос тилга, уларнинг ёши, руҳияти ва савиясига мувофиқ ранг ва оҳангларга эга. Шоир боланинг меҳри баландлигини “*Қуёш сизга ўхшаса, айланиб ҳам ўтмасди, кундузни бошлаб келиб, тунда ташлаб кетмасди*” сингари оригинал қиёслашларга тўлиқ мисраларда ёрқин кўрсатади. Бола онасига мурожаат қила туриб, “*сизга*

---

3Барноев С. Ватан.(бадиҳа) // Гулхан, № 7. 1995. – Б. 7.

тимсол излаган бу борада янглишади, чунки орада бир умр тугамаган меҳр ётади” дея изҳори дил қилади. Шоир анъанавий ўхшатишдан қочиб, ружуъ санъатини қўллаш орқали она образини янада юксакликка кўтара олган ва улуғ инсоннинг беминнат меҳрини янгича йўсинда ифода эта олган. Бу ғояни шоир “Она мадҳи” шеърда ҳам давом эттиради. Шеърдаги бадийлик “бепоён кўк денгизда, турасан нечун мағрур” риторик сўроғида яққол намоён бўлади. Шоир осмонни кўк денгизга ўхшатиш билан мувоиза, ташбеҳ санъатларидан моҳирона фойдаланиб, она қалбини нур конига қиёс этади. У бу сатрлар орқали кичкинтойлар қалбида онага муҳаббат чексиз бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Зеро, қалбида онасига меҳри юксак инсонгинаватанини ҳам сева олади, уни ардоқлай олади. Шоир болалар ва ўсмирларга атаб асар битар экан, ўзи ҳам улар билан руҳан пайванд бўлиб, руҳан қўшилиб кетгандай бўлади. Унинг поэтик асарлари дидактик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Шоир юморга бола табиатидаги беғуборликни ифодалаш воситаси сифатида қарайди ва у орқали болаларда дид-фаросатни, ҳис-туйғуни тарбиялаш муҳим ва қулайлигига эътибор қаратади. “Мен полвонман” шеъри юмористик характерда бўлиб, айиқчаси, кучукчасини даст кўтаргандан мускуллари “хўп чиниққан” лирик қаҳрамоннинг биров мақтанчоқлиги кулги остига олинади. “Қувноқ шеърлар”, “Ҳазил шеърлар” туркумларидаги баъзи шеърлари орқали одобсиз, ишёқмас, эрка ва тантиқ болалар характерида учровчи иллатларни юмор воситасида танқид қилади. Самимий кулги орқали бола табиатидаги қусурларни йўқотишга кўпроқ аҳамият қаратилганлиги кузатилган.

С.Барноев ўзбек болалар шеърининг бетакрор поэтик образлар билан бойитди. Шоир лирик қаҳрамонлари шеърдан шеърга ўтган сайин ўсиб борди. Унинг қаҳрамонлари турли ёшда: бошда улар боғча боласи, сўнгра мактаб ёшидаги кичик болалар, кейинчалик эса ўсмир болаларга айланишади. Муаллиф айрим асарларида улар номини кўрсатиб ўтади. Айримларини эса “мен” шаклида ҳаракатлантиради. Шоирнинг бадий маҳорати шеърларида шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблигига эътибор қаратишида ёрқин кўринади. Поэтик мазмун халқчиллиги, соддалигини оширишда халқ ижодидан маҳорат билан фойдаланди. Айниқса, олқиш жарангининг ўзгача янграши шоир лирикасининг ёдда қоладиган муҳим белгиларидан биридир. Мазкур фаслда шоир поэтик маҳоратига оид тадрижий жараён, шеърлардаги композицион қурилиш соҳасидаги изланишлар (воқеабандлик, савол-жавоб, жонлантириш ва Ҳ.к.) тадқиқ этилган.

Ишнинг **“Шоир эпик поэзиясининг жанрий таркиби ва бадиияти”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи фасли “Масал ҳамда балладаларда бола ва ҳаёт муносабатлари акси”да шоирнинг ўзбек болалар масалнавислиги ва балладачилигини ривожлантиришдаги маҳорати очиб берилган. Ранг-баранг мавзулардаги масалларда фольклорнинг таъсири кучли бўлиб, табиий соддалиги, оҳангининг халқчиллиги, услуби равонлиги билан ажралиб

туради, болаларнинг ёш ва руҳий хусусиятлари ҳисобга олинганлиги “Концерт”, “Қушлар суҳбати”, “Тез ёрдам” каби масаллар таҳлили орқали кўрсатиб берилган.

Ўзбек болалар адабиётида баллада ёзиш анъанасини шоир Султон Жўра “Парвознома”асари билан бошлаб берган эди. Бу анъана С.Барноев томонидан маҳорат билан давом эттирилганлиги, шоир ижодининг замондошларидан фарқланиб турадиган хусусиятларидан бири - баллада жанрида “кўп ва хўп” ижод қилган. Шоир шеърий тўпламларида ўттизга яқин балладаси нашр этилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги қисқа ҳажмли бўлса-да, ўзига катта мазмунни сиғдира олган. “Менинг бобом қаёқда?” асари воқеа, лирик қаҳрамоннинг аниқ кечинмалари мавжуд қисқа баллада сифатида таҳлил қилинган. “Қора хат ҳақида баллада”да С.Барноевнинг хилма-хил жанрлардаги асарларидаги каби – бола хотираси воситасида урушга нафрат уйғотиш мотиви ифодаланган. Ижодкорнинг таҳлилга тортилган балладалари урушдан кейинги даврда халқнинг ҳаёти, одамлар қалбидаги жароҳатлар, кечинмаларни маҳорат билан тасвирлай оладиган санъаткор даражасига кўтарилганлигини яққол кўрсата олган. “Она” балладасида уруш туфайли болалар бошига тушган фожеали воқеалар бир неча бўлақларга тақсимланган ҳолда тасвирланган. Бир-бирига изчил боғланган бу бўлақлар тез-тез алмашилиб туради. Балладада персонажлар руҳий ҳолатларини ёрқинроқ очишга алоҳида эътибор берилган. Асарда персонажлар характерини ифодаловчи портрет, пейзаж, қаҳрамон нутқи, шароит тасвири ва бошқа узвлар драматик ҳаракатни кескинлаштиришга ва воқеаларни ривожлантиришга хизмат қилдирилган. Шоирона образини индивидуаллаштириш орқали уруш давридаги муштипар оналарнинг ёрқин тимсолини ярата олганлиги ушбу балладада очиб берилган.

С.Барноев балладаларида айрим ҳолларда кўпсўзлик, нозарур тафсилотларга берилиш, етакчи ғоявий ният асар мазмунини баён этиш соясида қолиб кетиши каби қусурлар учраб туради. Шунга қарамай, бу жанрда шоир ҳаётнинг ниҳоятда драматик, фожеали воқеаларини ўзига хос йўл билан акс эттиради, шу асосда матонатли болалар образини яратадики, улар бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда катта маърифий аҳамият касб этади.

Бобнинг “Шеърий эртакларда фольклоризмларнинг эстетик вазифалари” деб номланган иккинчи фаслида шоирнинг шеърий эртаклари таҳлил қилинган. Ўтган асрнинг 30-йилларида халқ эртаклари сюжети ва шаклини стилизация қилиш асосида З.Диёр, С.Жўра, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла ва бошқа болалар шоирлари шеърий эртакларнинг шеърий-эртак, нақл-эртак, масал-эртак каби қатор оралиқ шаклларида асарлар яратган эдилар. Ана шу анъананинг вориси сифатида С.Барноев саккизта шеърий эртак ёзган. Улар мавзу-моҳиятига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1. Ахлоқий-тарбиявий мавзудаги меҳр-оқибат, адолатни тарғиб этувчи; 2. Болалик оламининг бадий тадқиқига бағишланган; 3. Билим, тинчлик, бирлик ва меҳнатни улуғловчи шеърий эртаклар. Аксар шеърий эртаклар

халқ эртаклари сюжетлари стилизацияси асосида яратилган, баъзи адабий эртакларда сюжет, асосан, сақланиб қолса, баъзиларида ижодкор уни янги мазмун, янги шакл билан бойитиш йўлидан борган. Баъзан эса шоир эртакка хос шаклни жанрий стилизация қилиб, сюжетини ҳаётий воқеалар асосида яратгани, ундаги янги ғоя такрорланмас оҳанг ёрдамида ифодалангани тадқиқ этилган.

С.Барноев яратган шеърий эртаklar қайси оралиқ шаклга мансублигига кўра ҳам тасниф этилган. Бу шакллар шоирнинг халқ оғзаки ижодига мансуб бир ёки икки жанрни ўзаро синтезлаштириш асосида юзага келган. Уларнинг халқ эртаklarидан фарқи муаллиф томонидан уларда илгари сурилган ғоялар болалар дунёқарашига мосланганлигида намоён бўлиши очиб берилган.

“Онабулоқ” шеърий эртаги “Уч оғайни ботирлар” халқ эртаги сюжети таъсирида ёзилган. Фақат унда тугуннинг ечими халқ эртагидан тубдан фарқ қилади. Онаси айтган эртак бола тилидан сўзланади, шоир “бешик” ва “остона” деталлари орқали ватан образини бера олган, унда халқ эртаklarига хос эврилиш поэтик усулини қўллаш орқали эзгулик ўлмаслиги таъкидланади. Она образида инсонпарварлик, меҳр-оқибат улуғланади. Асарнинг композицион қурилиши ўзига хос: эртак ичида эртак келтирилиб, қолиплаш усулидан фойдаланилган: эртакчи она эртагини шу зайлда айтиб адо этади. Эртак эса яна боланинг хотираси орқали хотима топади. Бу билан шоир шеърий эртак композициясига бетакрор айрича шакл берган. Шеърий эртакдаги олқишлар аналитик фольклоризмни юзага келтириши оқибатида она образи ҳам ҳаётий чиқишига эришилган. С.Барноев ҳам олқиш ва қарғишни ёнма-ён келтириб, аналитик фольклоризм орқали асар таъсирчанлигини оширишга эришган. Ишда асар бадииятини оширишда сифатлаш, сажъли қофия ва радифнинг сероблиги ундаги эртакона руҳ ва оҳангни кучайтирганлиги, шу билан бирга асар сюжетида етарли даражада бадиий далилланмаган нуқталар борлиги кўрсатилган.

С.Барноев кўпроқ халқ эртаклари сюжетини стилизация қилиб, кичик ёшдаги болалар дунёқараши, руҳиятига мос эртаklar яратди. Шоир жонли ва жонсиз нарсаларни жонлантиради, образ даражасига кўтаради. Бу ҳодиса эса эртаklarга ўзига хос сирлилик бахш этади. Кеча-кундуз мазза қилиб куладиган “Қўғирчоқлар подшоси” шеърий эртаги бунга мисол бўла олади. “Эгри ва тўғри” эртаги образларини стилизация қилиш асосида Ш.Саъдулла, П.Мўмин, Р.Толипов, Ҳ.Имомбердиевлар шеърий эртак яратганлар. С.Барноев ҳам шу каби эртакка мурожаат қилиб, ўғри образининг янгича тимсолини яратади. Бойлик ўмариш илинжида подшоҳ хазинасига кирган уч ўғрининг у ерда китобга дуч келиб, уни ўқиш натижасида бутунлай бошқа одамга айланишлари тасвирланган мазкур нақл-эртак сарлавҳасига чиқарилган хазина – бу бойлик эмас, балки китоб эканлиги ва у инсонни тубдан ўзгартириши асарнинг ғоявий мундарижасини ташкил этади. Нақл-эртакда китобни севиш, билимга эътибор қаратиш инсонни ўзгартириши мумкинлиги ишонарли тарзда акс эттирилганлиги унинг бугунги кун ғояларига ҳам оҳанглигини кўрсатади.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида “Достонларда романтик туйғуларнинг эпик талқини”га эътибор қаратилади. Ўзбек халқ достончилигидаги анъаналардан озиқланган С.Барноев “Бахт қуши” деб номланган асарини “Бувимнинг афсонаси” деб атайди. Аслида бу асар достон жанрига мансуб. Унда икки қаҳрамон: буви ва унинг невараси образлари берилган бўлиб, асосан, бувининг ирим-сиримларга қаттиқ ишониши ва улардан келиб чиқадиган оқибатларга эътибор қаратилган. Бир қатор асарларида олқишларни стилизация қилиш усулидан фойдаланган шоир “Бахт қуши”да ҳам шундай йўлини давом эттирди. Асардаги лайлак образи келажакка ишонч, яхши кунларга умид ифодасидир.

Фольклор таъсирида яратилган лиро-эпик асарларнинг аксариятида интилувчан, ўз ғояларига ишонувчан бола, ўсмир, донишманд кексалар образи яратилганлиги ва шу фазилати билан эътиборга лойиқлиги асосланган.

Учинчи боб **“Сафар Барноев насрида болава ижтимоий ҳаёт муносабатлари ифодаси”** масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. “С.Барноевнинг туркум ҳикоялар яратишдаги маҳорати” деб номланган биринчи фаслида адиб ҳикояларининг мавзулари тасниф қилинган ҳамда “1947 йил ҳикоялари” ва “Афғон болалари” туркумлари таҳлил этилган. Адиб ҳикоялари қайси замонга бағишланганлиги (хронотопи), мавзулар йўналишига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганилди, ўз навбатида, бу ҳикоялар ҳам қайси давр воқелигини акс эттирганлиги жиҳатидан ички гуруҳларга бўлиб тадқиқ этилди.

Адиб ҳикоянавислигининг энг муҳим хусусиятларидан бири туркум ҳикоялар яратишда яққол кўринадди. “1947 йил ҳикоялари” ва “Афғон ҳикоялари” шу силсилага мансуб. Унинг ўндан ортиқ ҳикоядан иборат “1947 йил ҳикоялари” туркуми урушга қарши нафрат туйғусини ифодалаш жиҳатидан алоҳида мавқега эга. Уларда баъзан очиқдан-очиқ, баъзан рамзий тарзда урушга қарши нафрат мотиви табиий ва ҳаққоний акс эттирилган. С.Барноевнинг уруш ва болалик мавзусидаги барча асарларида бу икки йўналиш ўзаро узвийликда – бири иккинчисини тўлдириб келувчи жараён сифатида ифодаланиб келган, дейиш мумкин. Шу жиҳатдан қаралса, “1947 йил ҳикоялари” туркумини бирлаштирувчи муштарак жиҳатлари эътиборни тортади. Бу улардаги: 1) мавзу ягоналиги – урушни қоралаш, 2) барча ҳикоя қаҳрамонлари ҳам болалар эканлиги – яъни, уруш даври болалари бўлиб, улар қалбининг турфа жилолари инъикос топганлигида кўзга ташланади. Ҳикоялар сюжетини бир-бирига туташтирувчи чизиқ битта – уруш ва уни лаънатлаш мотиви. Шу орқали ўқувчида урушга қарши нафрат туйғуси уйғотилган ва барча сюжет чизиқларининг шу нуқтада кесишуви таъминланган.

15 та ҳикояни ўз ичига олган “Афғон ҳикоя”лари туркуми ҳам “1947 йил ҳикоялари” туркумига мавзу моҳиятига кўра ҳамоҳанг. Лекин воқеалар кечадиган замон ва макон жиҳатидан фарқланади. Қолаверса, “1947 йил ҳикоялари” туркумида тасвирланган воқеаларда ёзувчи урушни кўрмаган

вақатнашмаган бўлса-да, билвосита уруш иштирокчисига айланган ижодкор қиёфасида кўзга ташланади. “Афғон ҳикоялари” туркумини эса, адиб афғон урушида бевосита қатнашиб, унинг болалар қисматига кўрсатган фожеали таъсирини чуқур ҳис этиб яратди ва ўзбек болалар адабиётида чет эл болаларининг уруш жараёнидаги фожеали ҳаёти мавзусини юксак санъаткорлик билан ифодалашга муваффақ бўлди. Аслида “Афғон ҳикоялари”ни туркум эмас, балки “афғон кундаликлари” деб аташ маъқулроқдир. Шоир дастлаб афғон болалари ҳаётига бағишлаб, “Шерзамин билан Ватандўст”, “Бахшиш сўрар болакай”, “Афғон болалари орзуси”, “Афғонистон”, “Афғонистондаги аскар укаларимга” каби шеърларини ёзиб, уларда афғон болалари фожеъ қисматига, ҳаётига ҳамдардлик туйғуларини ифода этди. С.Барноевнинг бу туркумга мансуб шеър ва ҳикоялари нафақат афғон миллати, балки юрти нотинч дунё болаларининг қўшиғидай янграйди.

С.Барноев ижоди ва услубига хос бир хусусиятни шуки, адиб ифодаламоқчи бўлган бирор-бир ғоя изчиллик билан аввал шеъриятида, кейин лиро-эпик асарларида, насрида ва ҳатто заруриятга айланиб публицистикасида ҳам акс этади, асардан асарга ўтилгани сари бу ғоянинг таъсирчанлиги, мазмундорлиги чуқурлашиб, теранлашиб боради. Афғонлар ҳаётига бағишланган туркум бунинг исботидир.

Адиб ўзбек болалар ҳикоячилигида туркум ҳикоялар яратиш анъанасини бошлаб берди ва улар сиёсий-ижтимоий ҳаёт воқеаларини қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

